ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ
ФАРҒОНА ШАҲРИ

РЕСПУБЛИКА УЗБЕКИСТАН
ФЕРГАНСКАЯ ОБЛАСТЬ
ГОРОД ФЕРГАНА

**ҲОКИМИ ФАРМОЙИШИ**

**РАСПОРЯЖЕНИЕ ХОКИМА**

123 N 2.06.2003

Шаҳарда жамоат тартибини
сақлашни кучайтириш ҳақида

2003 йилнинг 27-май куни Марғилон шаҳар Зарафшон кўчаси 286-уйда яшовчи М.Тожибоева шаҳар ҳокими номига ариза ёзиб шу йилнинг 6 июн куни Вилоят ҳокимияти аирофидаги кўчаларда 500 киши иштирокида намойиш ўтказиш мақсадида рухсат сўраган.

Шаҳар ҳокимияти ўзининг 2003 йил 30 май кунги 674/1 сонли хати орқали Ўзбекистон Республикаси Конуституциясининг 33-моддасига асосан хавфсизлик нуқтаи назаридан намойиш ўтказишни тақиқлади.

Юқоридагиларни хисобга олиб, ҳамда шаҳар ҳудудида ноқонуний равишда намойишлар ўтказилишига йўл қўймаслик мақсадида

1) Шаҳар ички ишлар бўлими (Ш.Собиров)га шаҳар ҳудудида фуқароларнинг хавфсизлигини таъминлаш, жамоат тартибини сақлашни кучайтириш ва ноқонуний равишда намойишларни ўтказилишига йўл қўймаслик борасида зарур чора-тадбирлар белгилаб амалга ошириш вазифаси топширилсин.
2) Шаҳар ҳудудидаги барча маҳалла фуқаролар йиғинлари раисларига, ўз ҳудудларида яшовчи фуқароларни ноқонуний намойишларда иштирок этишларини олдини олиш мақсадида улар ўртасида кенг тушунтириш ишларини олиб бориш вазифаси юклатилсин.
3) Ушбу фармойишни ижросини назорат қилишни ўз зиммамда қолдираман.

Шаҳар ҳокими: Р.Қ.Балтобаев